ЁШЛАРГА МУРОЖААТ

Бизни Туркистон ва Бухорода бир синф мухтарам ёшлар мавжуддурки, хукумат махкамаларинда тижоратхона, бонка ва корхоналарга котиб, таржимон, молфуруш ва даллоллик ёинки насячинлик ила машгулдурлар ва бу синф ахлининг адади бугун Бухоро ва Туркистонда мингларчадур. Ана ёшларга мурожаатдан мурод шу синф ахлидан бўлган хамватанларимизга бир неча калима арз килмокдур. Лутфан сўзимизни тингласалар, деб илтимос киламиз. Ва камоли эхтиром ила ул жанобларга баён килармизки, сизлардан аксарингиз савки кадар ва ёинки савки табиат ила бир навъи бўлуб, русча бир оз ўкуб-ёзмокга ва ёинки факат сўйламокга кодир бўлубсиз ва бу озгина замоний билгу сабабидан вазифа олиб, енгиллик ва бир оз рифохият ила умр ўткарурсизки, Тангрим зиёда этсун!

Ва сизларни озгина илми замоний билганингиз, албатта, нафъ келтурди ва алхамдулиллох дини мубинга хам яхши муътакидсиз ва бу илмий замоний эътикодингизни бузмади. Зотан исломият шундай бир дини матин ва кобили тараккийдурки, на кадар илми замоний кўб ўкуса, инсонни яна дини исломга шунча акидаси мустахкам бўлур. Чунончи, илми замоний кўб ўкугон Оврупо уламоларини(нг) энг номдор ва давлатликларидан мусулмон бўлуб тургонлари жаридахонларга маълумдур. Бас, сабаб бўлдики, илми замоний исломиятга зарар килмок нари турсун фойда этар, энди матлабга келайлук.

Мухтарам биродарлар! Сиз хидмат килатургон доираларда сиздан катта ва сиздан оз ишлайдургон ва сизларга иш буюратургон кишилар борки, сиздан беш, хатто, йигирма дафъа зиёда вазифа олур. (Баъзи бонка ва тижоратхоналарда ойинда беш юз сўм, хатто минг сўм олатургон кишилар бор ва аларни тижорат мактабига ўкугони беш-олти йилгинадур.) Мунинг сабаби надур? Сизнинг кўл остингизда сиздан кўп ишлайдургон ва каттиг хидмат килатургон ва юк кўтара тургон мусулмон ва ё ўруслар борки, сиздан хам оз вазифа олур. Мунинг сабаби надур? Албатта, мунга жавоб берурсизки, бизни устимиздан карайдургонларни(нг) «илми замоний»си биздан зиёда ва мехнаткашларни илми бизга хам эмас. Мана сабаб шудур. Биз хам дермизки, жавобингиз дуруст. Бас, маълум бўлдики, хозирги замон ишларига хох тижорат ва хукумат ва санъатхоналарга бўлсун, кириб вазифа олмокга ва иш килмокга илми замоний деган нимарса лозим экан ва хар ким бакадар билгуси вазифа олур экан. Бас, сиз мухтарамлар хам ўз авлодингизни ва азиз болаларингизни, агарда хохласангизки, сиздан кўра тараккий этса, дин ва миллатга хизмат этса. (Дин ва миллатга хизмат илм ва окча ила бўлур.) Шу илми замонийни тахсил килмок учун харакат килмогингиз лозимдур. Хамватанларимиз мулкини сотиб тўй килганидек сиз-да, хатто, лозим бўлганда мулкингизни сотсангизда

ўглингизни замонча ўкумокига саъй килсангиз. Тўйга исроф килинатургон окчаларни ўкумок йўлига сарф килсангиз! Замонча ўкутмок тарикасидан бошка маколада арз килинур.

«Ойна» журнали, 1914 йил, 21-сон, 390—391-бетлар.